Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 29 июль, шанба • № 60 (10.736) • Эркин нархда сотилади.

# ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР РАВНАҚИ

## В. ЧЕРНОМИРДИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар янгича шаклланиш босқичига кирди. Икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг мартида ўрнатилган эди. Ўша йили май ойида президентлар Ислом Каримов ва Борис Ельцин давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, бир қанча муҳим ҳукуматлараро ҳужжатларни имзоладилар.

Президент Ислом Каримовнинг 1994 йилнинг мартида Россия Федерациясига расмий сафари чоғида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқалари ўзаро манфаатли асосда ривож топмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ташрифлари бу алоқаларни кенгайтириш йўлида муҳим босқич бўлаётир. Шу боис, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи катта қизиқиш билан кутилаётир.

26 июль куни Россия Федерацияси ҳукумат раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга расмий ташриф буюрди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари кўтарилди.

Россия Федерацияси ҳукумати раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари ва Ўзбекистон Президенти расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Аэропортнинг ўзидаёқ Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин ўзаро қисқа мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз Президенти олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Россия ҳукумати раиси ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти билан музокаралар ўтказади.

**(ЎзА).**

* * *

***27 июль куни эрталаб Ўзбекистон Президентининг Дўрмондаги қароргоҳида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.***

Ушбу учрашувдан сўнг Виктор Черномирдин Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюриб, буюк шоирга эҳтиром билдирди. Унинг ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шу куни пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз Россия билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарини тараққий эттириш тарафдори эканини таъкидлади.

— Биз Россияни буюк мамлакат, азалий ва ишончли ҳамкор, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик кафили деб биламиз, — деди, жумладан Ислом Каримов. — Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мамлакатларимиз халқларининг ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ енгишга кўмаклашади ҳамда улар учун фаровон турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади.

Музокаралар чоғида илгари имзоланган ҳужжатларда белгиланган ишларнинг қай даражада амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Икки томон учун ҳам манфаатли бўлган кўпгина соҳаларда ҳамкорлик юзасидан талай тадбирлар белгиланди.

— Россия ҳукумати Ўзбекистон билан алоқаларга биринчи даражали аҳамият беради, — деди Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин. — Биз мамлакатларимиз ўртасида шаклланган хўжалик алоқаларини тиклабгина қолмай, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳадаги муносабатларни янги асосда тараққий эттиришга интилмоқдамиз.

Расмий делегация аъзоларининг ўзаро мулоқоти чоғида икки томонлама, МДҲ ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди.

Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Меморандумни, 1996—1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзоладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари ва Россия Ҳукумати Раиси журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда музокараларнинг ниҳоятда самарали ва сермаҳсул бўлгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилувчи ҳужжатлар имзоланди. Россия ва Ўзбекистон Марказий банклари ўртасида икки мамлакат миллий валюталарининг эркин айланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги, олий таълим, жиноятчиликка қарши кураш, Россия-Ўзбекистон тўқимачилик холдингини барпо этиш, халқаро радиоастрономик обсерваторияни ташкил қилиш, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатларимиз корхоналари ўртасида шаклланган алоқаларни янги асосда тиклаш иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омилларидандир. Шу боис музокаралар чоғида ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларида молия-саноат гуруҳларини тузиш масаласини ўрганадиган ишчи комиссиясини ташкил этишга қарор қилинди. Самолётсозлик, тўқимачилик, нефть ва газ саноати соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли асосда ташкил этиладиган молия-саноат гуруҳлари тузилиши ҳар икки мамлакатдаги талай иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар чоғида мамлакатимиз Россия, Беларус ва Қозоғистон аъзо бўлган ягона божхона иттифоқига кириш истагини билдирганини, Россия томони эса бу истакни қабул қилганини айтди.

Журналистлар икки мамлакат ўртасида қабул қилинган ҳужжатларда нега узоқ давр эмас, яқин йиллар кўрсатилгани билан қизиқдилар. Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин одатда узоқ йиллик ҳамкорлик қайд этилган ҳужжатларда белгиланган тадбирлар кўпроқ қоғозда қолиб кетиши кузатилганини, шу боис қабул қилинган ҳужжатларда аниқ муддат ва амалий ишлар ўз аксини топганини айтдилар. Бундай йўлнинг афзаллигини икки мамлакат ўртасида ўтган йили имзоланган шундай ҳужжатда кўзда тутилган режалар тўла амалга оширилганидан ҳам билиш мумкин.

Россия ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш йўлида талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда айни пайтда беш миллиондан зиёд киши нодавлат секторида иш билан бандлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотнинг 90 фоизи шу секторда етиштирилаётгани, савдонинг 90 фоизи хусусийлашгани, қурилиш ишларининг 39 фоизи ана шу нодавлат секторидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Нодавлат сектори корхоналари айни пайтда мамлакатимиз умумий миллий маҳсулотининг 37 фоизини етказиб бермоқда. Россия билан Ўзбекистон ҳамкорлиги бу соҳада эришилаётган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Журналистлар Ўзбекистон давлати раҳбари ва Россия ҳукумати Раисининг Афғонистон ва Тожикистондаги муаммоларни бартараф этиш хусусидаги фикрлари билан қизиқишди. Бу борада ҳам томонлар якдиллиги намоён бўлди. Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Тожикистон муаммоси мухолиф томонларнинг тинч музокаралари йўли билан ўзаро ён беришлар натижасида ҳал бўлиши мумкинлигини, бу ўринда Тожикистон ҳукумати қуруқ баёнотдан амалий ишга ўтиши, мухолиф кучлар эса ҳукуматга ултиматум тарздаги шартлар қўйишдан воз кечиши даркорлигини таъкидладилар.

Шу куни Россия ҳукумати Раиси В. Черномирдин Тошкентдаги В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишди.

**(ЎзА).**



***СУРАТДА: яккама-якка суҳбат пайти.***

**Р. НУРИДДИНОВ ва С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

*Муҳтарам дўстлар!*

*Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг тузилиши давр талабидир. Бугунги янги шароитда банк тизими иқтисодиётнинг барча соҳаларини чамбарчас боғлаши ва уларнинг ривожини таъминлаш билан катта аҳамият касб этади. Айнан банклар халқ хўжалигининг барқарорлигини, йўналишлари ва суръатини белгилайди, ҳар қайси фуқаронинг муносиб ҳаёти асосини барпо этади.*

*Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичига қадам қўйган бир пайтда банклар, авваламбор тижорат банклари, янги мулкчилик асосида миллий иқтисодиёт тизимини яратишда, мамлакатнинг соғлом молия-кредит қиёфасини шакллантиришда, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонларнинг кенг ижтимоий қатламини вужудга келтиришда муҳим ўрин тутиши табиийдир.*

*Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий муносабатлар тизимига дадил кириб бориши ислоҳотларимизнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Банклар биз танлаган устивор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, манфаатларимиз ва анъанавий қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг халқаро молия ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли шерик сифатида дадил кириб боришида ташаббускор бўлишига шубҳа йўқдир.*

*Қурултой ишига муваффақият, қурултой қатнашчиларига соғлиқ ва ғайрат тилайман. Таъсис этилаётган Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ўз фаолияти билан давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайди, республикамизнинг иқтисодий бақувват мамлакатлар билан интеграциялашув жараёнини жадаллаштиради, деб умид қиламан.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ СУҒУРТА ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ АГЕНТЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ҳаракатининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳамда кредиторларға қарз капитали эвазига кафолатлар берилишини кўзда тутувчи дастурларни рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогарбанк», «Мевасабзавотбанк»нинг, Тадбиркорлар уюшмасининг, Шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмасининг, Ишбилармон хотин-қизлар уюшмасининг «Мадад» суғурта агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

«Мадад» агентлиги муассисларининг агентлик устав жамғармасини 10 миллион сўм миқдорида шакллантириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2.Белгилаб қўйилсинки, «Мадад» суғурта агентлиги:

юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади ва ўз фаолиятини уставга мувофиқ тўла хўжалик ҳисоби принциплари асосида ташкил этади, Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ўз бўлинмаларига эга бўлади;

хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд) билан яқин алоқада ишлайди, белгиланган тартибда таклиф ва лойиҳалар экспертизасини, шунингдек, Бизнес-фонд томонидан қарз олувчиларга кредит ажратиб бериш учун асос бўладиган суғурта полиси берилишини таъминлайди.

3. Қуйидагилар «Мадад» суғурта агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар олиш учун тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертиза қилиш;

— тадбиркорлик таваккалчиликларидан имтиёзли шартлар асосида суғурта йўли билан ҳимоя этиш, кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорнинг масъулиятини суғурталаш;

— республикада хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган хорижий сармояларнинг суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

4. «Мадад» агентлигининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги унинг суғурта жамғармасини шакллантиришга 100 миллион сўм миқдорида фоизсиз ссуда ажратиб берсин.

5. «Мадад» суғурта агентлиги қонунда белгиланган солиқлар, шунингдек, мажбурий тўловлар тўлашдан уч йилга озод қилинсин, маблағларнинг шу қисми суғурта жамғармасини тўлдиришга ва уни техника билан жиҳозлашга сарфланиши белгилаб қўйилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Мадад» суғурта агентлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 июль.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ (БИЗНЕС-ФОНД)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, республика минтақаларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишлаб чиқариш — молиявий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи Фонд муассисларининг мазкур фонд негизида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Шу нарса маълумот учун қабул қилинсинки, уставга мувофиқ Бизнес-фонд ихтисослаштирилган нодавлат ташкилоти бўлиб, хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга қуйидаги йўллар билан мадад кўрсатади:

хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини пул билан таъминлаш;

хусусий корхоналар ва кичик бизнеснинг устав сармоясида қатнашиш;

хусусий тадбиркорларга ҳамда кичик бизнесга маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техникавий кўмак бериш.

3. Қуйидагилар Бизнес-фонд ресурсларининг манбалари этиб белгилансин:

давлат мулкини сотишдан тушган маблағларнинг, давлат мулки иштирокидаги ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятидан давлатга тегишли бўлган дивидендларнинг 50 фоизи;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи фондга тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг маблағлари;

хорижий юридик шахслар ва халқаро молия ташкилотларининг маблағлари.

4. Белгилаб қўйилсинки:

юқорида кўрсатилган маблағлар Бизнес-фонд томонидан қайтариб бериш шартлари асосида жалб этилади ва унинг «Ўзтадбиркорбанк»даги ҳисоб варағида жамланади. Устав фондининг маблағлари ҳам худди шу ҳисоб варағига ўтказилади.

Бизнес-фонд кредитларни одатда «Мадад» суғурта агентлиги томонидан қарз олувчига берилган суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда «Ўзтадбиркорбанк» орқали ажратиб беради.

5. Бизнес-фондни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Бизнес-фонднинг бошланғич сармоясини шакллантириш ва уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун 100 миллион сўм пул ажратиб берсин.

6. Бизнес-фонд давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 3 йил мобайнида қонунда белгиланган солиқларни, шунингдек, мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилсин, бунда бўшаган маблағларни Бизнес-фонднинг сармоясини кўпайтиришга ва уни ривожлантиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 21 июлдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармоннинг ижро этилишига оид қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 июль.

# ВИКТОР ЧЕРНОМИРДИН: «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР КИШИНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ»

***Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг мамлакатимизга расмий сафари ниҳоятда самарали ўтди.***

Ташриф ниҳоясида 28 июлда Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди. Шу куни Россия Федерацияси ҳукумати раҳбари Виктор Черномирдин Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

В. Черномирдиннинг кўҳна ва навқирон Самарқанд билан танишуви буюк мунажжим, олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг муҳташам ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Меҳмонлар Улуғбек қурдирган расадхонани ҳам томоша қилдилар. Россиялик меҳмонларнинг бу зиёратгоҳга келиши бежиз эмасди. Чунки, ҳукуматларимиз ўртасида халқаро радиоастрономик станцияни ташкил этиш борасида имзоланган ҳужжат бобокалонимиз неча асрлар илгари бошлаб берган ишнинг хайрли давомидир.

Меҳмонлар Мирзо Улуғбек ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи музейни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Россия ҳукумат раҳбари шаҳардаги Сиёб бозорида бўлиб, бу ердаги мўл-кўлчиликдан ҳайратини яширолмади. У Рудакий майдонида тарихий ва замонавий меъморчилик услубида барпо этилаётган биноларни томоша қилди.

Меҳмонлар Регистон ансамблини зиёрат қилдилар.

— Самарқанддаги, қолаверса, бутун Ўзбекистондаги ўзгаришлар суръати кишини ҳайратга солади, — деди В. Черномирдин. — Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий ва тўғри йўлини топиб олди.

Россия Бош вазири В. Черномирдин ва делегация аъзолари «Гўри Амир» мақбараси, янги ишга тушган Самарқанд темирйўл вокзали ва «Шарқлифт» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида бўлдилар.

Шу куни Виктор Черномирдин ва унинг ҳамроҳлари Самарқанддан Москвага жўнаб кетди.

Самарқанд аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

**(ЎзА).**

# ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

28 июль куни пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон банклари ассоциациясининг таъсис қурултойи бўлди. Унда республика тижорат банкларидан 600 нафарга яқин делегат, халқаро молия ташкилотлари ҳамда хорижий банкларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари қатнашди.

Анжуманни Республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов очди ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида сўзлаган нутқида, яқинда чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида барча соҳалардаги каби банк тизимига ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Ислоҳотнинг дастлабки босқичида банк тизими соҳасида бир қанча ибратли ишлар амалга оширилган эса-да, бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичига ўтиш палласида бу жабҳада ҳам муаммолар йўқ эмас. Ушбу муаммоларни ҳал этмай туриб ислоҳотларнинг янги поғонасида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тугал шакллантириш, жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашиш мумкин эмас. Республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришда жаҳон даражасига эришиш — иқтисодий ислоҳот ҳозирги босқичининг муҳим вазифаси» мавзуида қилган маърузасида ана шулар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Низоми ҳамда «Ўзбекистон банк тизимини жадал ривожлантириш комплекс дастури» тасдиқланди.

Анжуманда ташкилий масала кўрилди. Р. Азимов Ўзбекистон банклари ассоциацияси кенгаши раиси этиб сайланди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов иштирок этди.

Таъсис қурултойи сўнгида маҳаллий ва хорижлик журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

* * *

Шу куни янги таъсис этилган Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Уни ассоциация кенгаши раиси Р. Азимов ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти Р. Фриман имзолади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, пахтачиликка ва у билан боғлиқ тармоқларга банк хизмати кўрсатишни яхшилаш, ушбу соҳада ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ва унинг янги шаклларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» республика акционерлик-тижорат банки муассисларининг ушбу банк негизида ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Пахта-банк» молиявий, мулкий ва бошқа мажбуриятлар ва талаблар бўйича «Ўздеҳқончиликсаноатбанк»нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Пахта-банк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

пахта етиштирувчи хўжаликларни ва пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш билан боғлиқ ташкилотларни ривожлантириш учун молиявий маблағларни жамлаш;

пахта етиштирувчи хўжаликларга, пахта заводларига, пахтачиликка хизмат кўрсатувчи ўзаро боғлиқ тармоқларнинг бошқа корхоналари ва ташкилотларига комплекс банк ва валюта-инвестиция хизмати кўрсатиш;

пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хўжаликлар ва ташкилотларга улар билан фьючерс битимлар тузиш орқали бўлғуси ҳосил ҳисобидан аванс бериш;

ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши ва берилган кредитларнинг қайтарилиши устидан амалий назоратни таъминлаш;

вексeллар, давлат қисқа муддатли облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш;

хўжаликларда белгиланган тартибда «Пахта-банк»нинг бўлинмаларини ташкил этиш йўли билан банк хизмати кўрсатишни мижозларга яқинлаштириш;

кредит карточкалари жорий этиш ва электрон банк хизматлари кўрсатиш.

3. «Пахта-банк» акционерларига ўн кун муддатда белгиланган тартибда таъсис йиғилиши ўтказиш ва банк уставини тасдиқлаш таклиф этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Пахта-банк»ни давлат рўйхатидан ўтказсин ва унга белгиланган тартибда тегишли лицензия берсин.

Марказий банкка «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» томонидан ижарага олинган хизмат биноларини қолдиқ қиймат бўйича ҳақ тўлаш асосида «Пахта-банк»ка бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 27 июль.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

# Табиат ва инсон

## МАҚСАДИ — ЭЗГУ НИЯТ

***«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифи билан республикамизда «Экология ва саломатлик» тармоқлараро дастури ишлаб чиқилган, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз қарори билан тасдиқлаган эди.***

Бу дастурда республикамизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича 426 та, шу жумладан Тошкент вилоятида 122 та тадбирни амалга ошириш назарда тутилган эди.

Бундай тадбирларнинг 39 таси атмосфера ҳавосини, 31 таси сув ресурсларини, 12 таси ер ресурсларини, 5 таси ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш ва қайта ишлаш, шунингдек, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, экологик таълимот ва тарбияни кучайтиришга қаратилган эди.

Тошкент вилоятида 1994-1995 йилларга мўлжалланган бу дастурнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам бериш мақсадларида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида ишчи гуруҳи тузилиб, унга мутахассис экологлар, олимлар, меҳнат жамоаларининг вакиллари кирган эди. Дастурни амалга оширишда соғлиқни сақлаш, санитария назорати ва бошқа шу каби идоралар билан ҳам ҳамкорлик кучайтирилди.

«Экология ва саломатлик» дастурига мувофиқ вилоятдаги саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалари ва хўжаликларида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Биргина Тошкент ГРЭСида кўрилган чора туфайли азот оксидининг атрофга тарқалиши йилига 800 тоннадан ортиқ камайди. Газ ва мазут аралашмасини босқичма-босқич ёқиш усулини жорий қилиш туфайли зарарли чиқиндиларнинг чиқиши 20 фоизга қисқарди. Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 1- ва 3-айланувчи печларни такомиллаштириш туфайли цемент чангининг тарқалиши йилига 250 тонна камайди. Ўзбекистон кимё машинасозлиги корхонаси қуюв цехида табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижаси яхши бўлди. Янгийўл биокимё заводида ҳам шу йўналишда қатор чоралар кўрилди.

Дастурнинг сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Чунончи, Чорвоқ шаҳарчасида оқаваларни биологик тозалаш ҳовузлари қурилиши ниҳоясига етказилди. Натижада Чирчиқ дарёсига ифлос сувларнинг оқизилиши барҳам топди. Янгийўл ҳудудида янги ичимлик сув қувури ва канализация тармоғи қурилиши олиб борилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш шаҳар ва туман аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш имконини беради.

Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини

### *Қарор ва ижро*

муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирлар давлат ўрмон фонди ҳудудини 250 гектарга кенгайтириш имконини беради. Худди шундай майдонда ўрмон касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усули жорий этилди. Ўтган бир ярим йилда 378 гектар янги ўрмонлар яратилди, 17 минг 480 гектар ерда биологик ишлов бериш амалга оширилди. Шу даврда деярли 1,3 миллион сўмлик биотехник тадбирлар кўрилди. Балиқ ресурсларини муҳофаза қилишга эътибор берилялти. Ўтган бир ярим йилда сув ҳавзаларига 37 мингта майда балиқ ташланди.

Ер ресурсларини муҳофаза қилишда ҳам муайян натижаларга эришилди. Ўтган йили органик ўғитлардан фойдаланиш олдинги йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. Минерал ўғитларни солиш 1,3 баравар, пестицидлардан фойдаланиш бир ярим баравар, айрим заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш икки баравар, дефолиантлардан фойдаланиш 1,4 баравар, олтингугурт дориларини ишлатиш 1,5 баравар камайди, қишлоқ хўжалиги экинларига биологик усулда ишлов бериш режаси 150 фоиз қилиб адо этилди.

Тиббиёт муассасаларида табиатни муҳофаза қилиш икки йиллик дастури бажарилмоқда. Бундан ташқари, рўзғор чиқиндиларини сақлаш ва улардан фойдаланишда муайян ишлар қилинди.

Лекин шунга қарамай дастурда белгиланган кўпгина муҳим тадбирларни амалга ошириш суст бормоқда. Масалан, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар, Олмалиқ кон-металлургия комбинатларида, Ўзбекистон металлургия заводида, «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида белгиланган қатор тадбирларнинг йил охиригача бажарилиши хавф остида қолмоқда. Бунинг объектив сабаблари ҳам бор. Зарур асбоб-ускуналар, материаллар ва металл етишмаяпти. Лекин бу хотиржамликка олиб келмаслиги лозим. Имкониятларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга эришиш лозим.

Вилоятимиз «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида фаол қатнашиб, ўтган йили табиатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян ижобий натижаларга эришди. Кўпгина меҳнат жамоалари ҳам бу соҳада кескин бурилиш ясадилар. Оҳангарон шифер, «Сантехлит», қурилиш-пластмассаси, «Ангренэнергованглиметалл», Ангрендаги нон заводи, Тўйтепа темир-бетон буюмлари заводи, Янгийўлдаги 2503-автокорхона ва бошқалар шулар жумласидандир.

Вилоятимизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган ишлар юксак баҳоланиб, у республика вилоятлари ўртасидаги ўзаро беллашувнинг ғолиби деб тан олинди. Бекобод тумани эса бу соҳада яхши натижаларга эришган туманлар қаторидан жой олди. Бу кўрик танловда иштирок этган кўпгина оилалар, маҳаллалар, қишлоқлар, жумладан, Дўрмон шаҳарчаси республика бўйича ўзаро беллашувда мукофотли ўринни эгаллади.

***«Экология ва саломатлик» икки йиллик дастури вилоятимизда экологик аҳволни яхшилашда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун унинг сўзсиз бажарилишига эришиш лозим. Токи табиатимиз гўзал, сувимиз тиниқ, ҳавомиз мусаффо, саломатлигимиз мустаҳкам бўлсин. Ана шундай эзгу ниятлар шиори бўлган бу дастур ҳаммамиз учун даҳлдордир. Шунинг учун уни амалга ошириш учун бир тан бир жон бўлиб курашишимиз, бу йўлда барча имкониятлардан аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишимиз лозим.***

**Ғ. ЖЎРАЕВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари.**

## ЎҚИМОҚДАЛАР, МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

ТОШКЕНТ вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз ходимларининг, айни вақтда корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларда табиатни муҳофаза қилиш вазифаси зиммасига юклатилган мутахассисларнинг малакасини ошириш, уларга табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган янги қонун-қоидаларни чуқур ўргатиш ҳақида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бунинг учун махсус ўқувлар ташкил этиляпти. Бу ўқувлар ҳудудлар бўйича уюштирилмоқда.

Уларда машғулотларни олиб бориш учун олимлар, тажрибали мутахассислар жалб қилинмоқда. Улар бевосита жойларга бориб, машғулотлар ўтказиш билан бирга маҳаллий ҳудудлардаги экологик аҳволни ўрганадилар, уларни яхшилаш бўйича амалий маслаҳатлар берадилар. Шунинг учун ҳам бундай ўқувларнинг самараси яхши бўлмоқда.

Кейинги вақтларда Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида бўлган машғулотлар қизиқарли ўтди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича малакали жавоб ва тушунтириш олдилар. Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Ўртачирчиқ ва Қуйичирчиқ туманларида эса сувдан фойдаланиш, уни ифлос қилмаслик билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан машғулотлар ташкил этилди. Бу тингловчиларда турли муаммолар бўйича чуқур билим олиш қатори пайдо бўлаётган муаммоларни тез ва оқилона ҳал қилиш йўлларини ҳам ўрганишларига ёрдам бераяпти. Йил бошидан бери 120 нафардан ортиқ табиат жонкуярлари шундай машғулотларда ўз билим доираларини кенгайтирдилар, малакаларини оширдилар.

*Жойлардан хабарлар*

## ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Ангрен табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий қўмитаси атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳар бир корхона-ташкилотда белгиланишига, энг муҳими, уларнинг тўла амалга оширилишига эришишга ҳаракат қилмоқда. Қўмита бу ишларни кенг жамоатчилик, шу жумладан, ДАН, СЭС, адлия органларини жалб қилиш билан олиб бормоқда.

Ўтган йили 74 та тадбирни рўёбга чиқариш ва бунинг учун 630 минг сўм сарфлаш назарда тутилган эди. Амалда эса бундан анча ўзиб кетилди. Шундай олийжаноб мақсад учун сарфланган маблағ 1 миллион 485 минг сўмга етди. Бу тамойил бу йил ҳам давом этмоқда. Ўтган олти ойда назарда тутилганидан анча кўп табиатни муҳофаза қилиш ишлари амалга оширилди.

## ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛДИ

Бекобод туманида табиатни муҳофаза қилиш ишлари намунали йўлга қўйилган. Шу туфайли ҳам туман республика «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида республика туманлари ўртасида ғолиб бўлди.

Бу Бекобод ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимларининг атроф-муҳитга путур етказаётганларга нисбатан қатъий кураш олиб боришлари, талабни кучайтирганликлари ва фидокорликлари самарасидир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлар кўплаб фош қилинмоқда. Шундай номаъқулчиликларга йўл қўйган 120 нафар мансабдор шахсларга жарима солинди. Жами жарима миқдори эса 12 минг 890 сўмни ташкил этди. Айни вақтда ўттиздан ортиқ мансабдор кишилар мукофотлардан маҳрум қилиндилар. Тўрт корхона фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Бу йил ҳам табиат ҳимоячиларининг меҳнатлари самарали бўлмоқда. Ўтказилган ва сув ресурсларини муҳофаза қилишга қаратилган текширишлар натижасида тегишли мутасаддиларга уч юз йигирматадан ортиқ кўрсатма берилди. Унинг салқам уч юзтаси амалга оширилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан йигирма уч фоиз кўпдир.

## ҚУРУҚ ТОЗАЛАШ УСУЛИДА

«Сергели» чўчқачилик саноат мажмуи атроф-муҳитни кўп даражада ифлослантирувчи манбалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у табиат ҳимоячиларининг доимий назорати остида турмоқда. Уларнинг талаблари туфайли бу ерда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Натижада теварак-атрофнинг ифлосланиши йилдан-йилга камаймоқда.

Яқинда мажмуанинг тўртинчи цехида яна бир шундай тадбир амалга оширилди. Натижада оқаваларнинг оқиши тўла барҳам топди. Чўчқахоналарни сув билан ювиш тўхтатилиб, ўрнига қуруқ тозалаш жорий қилинди. Келажакда бу усулни барча бўлинмаларда қўллаш назарда тутиляпти.

## ЭКОЛОГИК ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг экологик экспертиза бўлими янги барпо этилаётган ёки қайта қурилаётган иншоотларнинг лойиҳаларини текширишдан ўтказиш кўламини кенгайтирмоқда. Бундан мақсад бундай лойиҳаларнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш, уни табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига қанчалик мувофиқлигини ўрганиш, лойиҳада табиатни муҳофаза қилиш бўйича чораларнинг етарли ва асосли эканлигига баҳо беришдир.

Шу йилнинг ўтган ойлари давомида иншоотларни қуриш ва қайта қуриш бўйича 75 лойиҳа кўриб чиқилди. Бундан ташқари, ер майдонларини танлаш юзасидан 267 та материал текширувдан ўтказилди. Уларнинг айримларини амалга оширишни тўхтатиб қўйишга тўғри келди. Учта лойиҳани тузишда ва тўртта ер майдонларини танлашда табиатни муҳофаза қилиш иншоотлари тўла инобатга олинмагани учун уларни қайта кўриб чиқиш тавсия этилди.



**Янги дори:**

# ҚЎСАК ҚУРТИ, КОЛОРАДА ҚЎНҒИЗИ, ЎРГИМЧАККАНАГА ҚИРОН КЕЛТИРАДИ

# ХАЙРЛИ, АММО МАСЪУЛИЯТЛИ

**Чирчиқ худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси зиммасига катта ва масъулиятли вазифа юклатилган. У Чирчиқ шаҳри ва Қибрай туманида атроф муҳит мусаффолигини таъминлаши лозим. Шуни очиқ айтиш кераки, қўмита табиат жонкуярлари ўз вазифаларини бажаришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.**

Улар Чирчиқ шаҳридаги 70 дан ортиқ саноат корхонаси ва ташкилотлари ҳамда Қибрай туманидаги 37 корхона, 13 жамоа хўжалиги, қатор йирик паррандачилик бирлашмалари, сут-товар фермалари, қорамолларни бўрдоқига боқиш пункти, «Қизил шапола» сутчилик мажмуи ҳамда фойдали бойликларни қазиб олувчи бешта конда экологик аҳволни мунтазам текшириб бормоқдалар.

Уларнинг тасарруфида яна қатор сув ҳавзалари борлигини ҳисобга олсак, қилаётган ишлари ниҳоятда хайрли эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шу ҳудуддан Чирчиқ дарёси, Бўзсув, Қорасув, Зах, Хонариқ каналлари оқиб ўтади. Биргина Чирчиқ дарёсининг соҳили узунлиги 43 километрдан ортиқроқни ташкил этади ва у 270 гектар майдонни эгаллайди. Худди шу минтақада 70 га яқин дала-ҳовли ширкатлари, 15 та корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа иншоотлар бор.

Чирчиқ худудий қўмитаси 1993 йилда шаҳар қўмитаси негизида ташкил этилган эди. Ҳозир бу ерда юқори малакали етти нафар мутахассис ишлаб турибди. Ўтган йили улар ўз кучлари билан ва жамоатчиликни кенг жалб қилиб, атроф муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича 200 га яқин текшириш ўтказдилар. Бунинг натижасида табиатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари 517 марта бузилганлиги аниқланди. Текшириш натижалари асосида мутасадди ташкилотларга кўрсатмалар берилди, 63 нафар мансабдор шахслар деярли 8 минг сўмлик жарима билан жазоланди. Экологик жиҳатдан ташландиқ ҳолда бўлган 2 та иншоотнинг фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Қўмита Чирчиқдаги саноат корхоналарини атроф муҳитга чиқиндиларни чиқариш меъёри белгиланган ҳужжатлар билан таъминлади. Автотранспортдан ҳавонинг ифлосланишини камайтиш мақсадида қўмитанинг ташаббуси билан «Истиқбол» кичик корхонаси барпо этилди. Чирчиқ автотранспорт корхонаси ҳузурида ташкил этилган бу кичик корхона автомашиналар карбюраторларини созлаш, машиналардан чиқаётган заҳарли газларнинг миқдорини ўлчаш билан шуғулланмоқда.

Биргина ўтган йили амалга оширилган тадбирлар туфайли заҳарли моддаларни атмосферага чиқариш худудда деярли 10 минг тонна камайди. Бу иш ҳозир ҳам кенг кўламда давом эттирилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида турли хил заҳарли моддалар билан ҳавони ифлослантириш сезиларли даражада қисқарди. Жумладан, аммиак, формальдегид, олтингугурт ангидриди, фенол ва бошқа шу каби заҳарли моддаларнинг тарқалиши анча камайди.

Сувни муҳофаза қилиш минтақаларининг экологик аҳволини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда Чирчиқ дарёсининг 17 километр узунликдаги қирғоғи батафсил текшириб чиқилди. Унга 1530 куб метр шағал ҳамда 980 куб метр темир-бетон буюмлари ётқизилди. Ниёзбек шаҳарчасини тошқинлардан муҳофаза қилиш учун дамба қурилди. Чирчиқ дарёсининг беш километр узунликдаги соҳили мустаҳкамланди. Қибрай сув ажратгичи ёнида ҳам қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

Сув ресурслари ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган текширишлар оби-ҳаётдан фойдаланишнинг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди. Оқаваларнинг тушиши камайди, ичимлик сувдан фойдаланиш қисқарди. Шуни айтиш кифояки, биргина Чирчиқ шаҳри бўйича ичимлик сувдан фойдаланиш деярли 78 миллион куб метр қисқарди. Қибрай туманида эса бу кўрсаткич 206 минг метрни ташкил этди. Очиқ сув ҳавзаларига ифлос оқаваларнинг тушиши 77 миллион куб метр қисқарди. Бу оқавалардаги ифлос моддалар миқдори эса деярли 6 минг тоннани ташкил этди.

Қўмита жамоасининг яна бир хайрли ишини таъкидлаб ўтиш лозим. У ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор тадбирларнинг қурилиши ташаббускори бўлди. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи тўла ҳал бўлди. «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам чиқиндилардан фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Кўп жиҳатдан экологларнинг шундай саъй-ҳаракатлари туфайли Қибрай тумани республика бўйича ўтказилган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида алоҳида таъкидланди. Дўрмон эса республика шаҳарчалари ўртасидаги шундай беллашувда ғолиб, деб топилди. Эндиликда эса Чирчиқ шаҳрининг худди шу республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиши учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Лекин худудий қўмита фаолиятида камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Табиатни муҳофаза қилишда янада яхшироқ натижаларга эришиш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Чунки, айниқса, Чирчиқ шаҳри атроф муҳитни ифлослантирувчи йирик манба бўлиб қолмоқда. Унда жойлашган корхоналардан чиқаётган заҳарли тутун ва газлар, ифлос оқавалар ҳамон меъёр даражасига келтирилмаган. Қибрай туманида эса заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш кўнгилдагидек эмас. Бунинг учун мўлжалланган омборларнинг фақатгина 5 таси талабга жавоб беради. 12 тасининг эса санитария ҳолати кўнгилдагидек эмас. Бу камчиликни зудлик билан бартараф этишга эришиш зарур. Ўйлаймизки, қўмита жамоаси ўз фаолияти самарасини янада яхшилаш йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай изланади.

**Н. ХАУСТОВА,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус нозирлиги бошлиғи.**



Зангиота туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигида сабзавот экинлари ҳашаротларига қарши дори сепилмоқда.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## ҲАШАРОТ КУШАНДАСИ

Франциянинг Лион шаҳридан кўтарилган «ИЛ-76» ҳаво кемаси республикамиз пойтахтига келиб қўнди. Унда Франциянинг «Рон Пуленк» фирмасидан келтирилган қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши қўлланиладиган дастлабки 30 тоннадан зиёд «Золон» препарати келтирилди.

— Ўзбекистонда «Рон Пуленк» фирмасининг ваколатхонаси ишлаб турибди, — дейди шу фирманинг республикамиздаги вакили Саидмурод Алимуҳамедов. — Қишлоқ хўжалигида шу вақтгача ишлатиб келинган препаратлар фойдали ҳашаротларни ҳам қириб юборарди. Янги препарат эса кўсак қурти, колорада қўнғизи, ўргимчаккана каби зараркунандаларга қарши қўлланилади. Республикамиз пахтакорлари ўтган йили шу фирманинг «Преп» препаратидан ҳам самарали фойдаланган эди. У ғўзага барг тўктиришдан олдин пуркалди. Сифатли ишлов берилган далаларда пахта барвақт етилиб, одатдагидан 10—15 кун илгари қийғос очилди. Бу эса машина терими учун қўл келди.

**П. НИШОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ёшликдан меҳр уйғотайлик*

# ҲАМКОРЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**ЁШ АВЛОДНИНГ экологик тарбияси шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ёшларда табиатни авайлаб-асраш кўникмаларини ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир**

Шунинг учун ҳам вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ўқитувчи ходимларнинг малакасини ошириш институти ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу муҳим ишда ўзаро ҳамкорликни йил сайин кучайтириб бормоқдалар. Бу ҳамкорликка бундан деярли тўрт йил илгари асос солинган эди. Махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди ва ишлаб турибди. Унинг таркибида экологлар қатори халқ таълими ходимлари, педагог олимлар ҳам бор.

Мактаб ўқувчиларини экологик тарбиялаш ва уларга шундай таълим бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар тобора турли-туман ва мазмунли бўлаяпти. Бу соҳада яхши натижаларга эришган мактабларнинг тажрибаси ўрганилиб, умумлаштириляпти, «Табиат ва болалар» рисоласи нашр этилди. Янгийўл, Ангрен шаҳарларида махсус синфлар жиҳозланди ҳамда экологик мавзу бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Мактабларда қатор фанлардан дарс бериш табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан бирга ўтказилмоқда.

Айни вақтда ўқитувчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Улар табиатни муҳофаза қилишнинг кенг билимлари билан қуроллантириляпти. Бунинг учун махсус курслар ташкил этилиб, уларда машғулотлар олиб борилмоқда. Вилоят мактабларида синфдан ташқари ишларни уюштиришда экологик мавзу бўйича машғулотларни олиб бориш юзасидан курслар ўтказилди. Мактаб директорлари учун экологик тарбия бўйича «Давра суҳбати» уюштирилди.

Вилоятнинг кўпгина шаҳарлари ва туманларида болаларнинг экологик клублари ишлаб турипти. «Яшил ва зангори патрул» отрядлари сони ҳам кўпайиб бормоқда. Улар сув, тупроқ, ўсимликларнинг ҳолатини ўрганиш билан шуғулланмоқда ва бу соҳада амалий кўникмалар ҳосил қилишмоқда. Чиноз туманида «Экологик сўқмоқ» мавзуида машғулотлар қизиқарли ўтмоқда. Махсус йўналишда бўлган юришда 5 та жойда тўхталиб, табиат қўйнида ўқувчилар билан махсус экологик машғулотлар ўтказилади. Чунончи, Мингчинор боғида болалар Ўзбекистонда ўсадиган дарахтлар ва буталар навлари билан таништирилади. Чирчиқ дарёси ирмоғида сувда яшовчи ҳайвонлар таркиби ва ҳаёти ўрганилади. Жамоа хўжалиги экинзорида эса қишлоқ хўжалик ишлари ҳақидаги суҳбатларни тинглайдилар.

Бекобод туманида ёш табиатшунослар чигитнинг янги навларини экиш билан шуғулланмоқдалар. 38-мактабдаги табиат музейини вилоятимиз фахри десак ҳам муболаға қилмаган бўламиз. Унга республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи К. Зокиров раҳбарлик қилмоқда.

Вилоят шаҳарлари ва туманларида ҳокимликлар, жамоат ташкилотларининг фаол иштироки билан экологик таълим бўйича кўрик-танловлар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бундай йиғинларда тўпланган тажриба ўртоқлашилади, ёшларни экологик тарбиялаш бўйича олдинда турган муҳим вазифалар белгилаб олинади.

Ҳар йили ўқув йили охирида мактаб ўқувчиларига экологик таълим бериш ва тарбиялаш бўйича тўпланган тажрибани ўзаро алмаштириш юзасидан илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Бундан ташқари «Табиат ва болалар» кўргазмаси уюштириляпти. Унда болаларнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган турли ишлари намойиш қилинади. Бу йил тўртинчи вилоят конференцияси Чиноз туманида бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳарлари ва туманларидаги ёшларни экологик тарбиялаш бўйича яхши натижаларга эришган мактаблар, ўқитувчилар қатнашдилар. Улар билан бирга ўқувчилар ҳам иштирок этишди. Ангренда корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари табиатни муҳофаза қилишда қатнашаётган ўқувчилар билан давра суҳбати ўтказдилар. Шундай тадбирлар ўқувчилар ўртасида ҳам табиат жонкуярларининг кўпайишига туртки бўлмоқда.

Болаларда жонажон ўлкамиз табиатига меҳр-муҳаббат, уни асрабавайлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш ниҳоятда катта аҳамиятга молик бўлган ишдир. Унинг таъсирчанлигини ошириш учун ҳамкорлигимизни янада кучайтирамиз.

**О. ТОЖИЕВ,**
**вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**
**Д. МАЛИКОВА,**
**вилоят ўқитувчи ходимлар малакасини ошириш институти ректори.**







## КОРХОНА БОҒИДА ПИШИҚЧИЛИК

ЎРТАЧИРЧИҚ паррандачилик фабрикасининг деҳқончилик цехи — боғ ва экинзорлари барпо этилганига бир неча йил бўлди. Бўз ерларда ташкил этилган боғ муттасил кенгайтириб бориляпти. Атрофдаги бекор ётган ер майдонларига сув келтириб ўзлаштириляпти. Шу туфайли ҳозирги вақтда корхона жамоаси учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган бу майдон ўлчами саккиз гектарга етди.

БУ ерда экилган турли хил мевали дарахтлар ҳосилга кирди. Ҳозирги вақтда корхона ишчи-хизматчилари дастурхонига ҳар куни боғда етиштирилган олма, олхўри, шафтоли ва бошқа ноз-неъматлар, кўкатлару резаворлар, сабзавот маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Улар бозордагидан анча арзон нархларда сотиляпти.

**М. СОБИРОВ.**

## АКВАРИУМДА... ТУХУМ ЁРДИ

**БУ ВОҚЕА ёзда Зангиота туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида рўй берди.**

Мен ҳайдовчи Алимжон билан далага сайр қилгани чиқмоқчи бўлдик. Енгил машинада дала ёқалаб кетаётган эдик, силос учун экилган маккажўхори ёнига етганда машинамиз кичкина ариққа тушиб, ботиб қолди. Ариқда сув бор эмасми, ҳар газ берганда машина ғилдираги чуқурроқ бота бошлади. Ўт ўриш учун ҳеч нарсамиз йўқ. Қамиш юлсак қўлни қирқади. Юмшоқ ўт қидириб, жўхоризор этагига тушдик.

Бир амаллаб бир боғ ўт юлиб, қамиш оралаб кетаётсак, бир тустовуқ оёғимиз тагидан учиб чиқди. Қарасак, шундоқ ёнимизда тустовуқнинг ини. Учта тухуми бор экан. Биз ўша жойга белги қўйиб, атрофидаги ўт-ўланни кўтариб ўраб қўйдик-да, машинамиз олдига келдик. Машинани чиқариб манзил томон жўнадик. Орадан ўн беш кун ўтди. Ўша тустовуқ нима бўлди экан, деб яна далага чиқдик.

Комбайн жўхорини силосга ўраётган экан. Комбайннинг ғилдираги шундоққина тустовуқ ини ёнидан ўтибди. Ҳайриятки, босмабди. Нима қилиш керак? Бироздан сўнг жўхори ўрилган жойга даладаги сигирларни боққани олиб келишади. Ўшанда моллар ҳали очилмаган тустовуқ тухумини босиб олиши мумкин. Нима қилиш керак?

Маслаҳатлашиб, тухумга қўлимизни текизмасдан ини билан кўтариб машинага олиб келдик. Уйда аквариум сувини тўкиб, уни тозалаб, ин билан учта тухумни қўйиб, чироқ ёқиб иссиқ қилдик. Икки кундан кейин иккита тустовуқ жўжаси тухум ёриб чиқди. Биттаси палағда бўлиб қолган экан. Паррандаларга тариқ ва бошқа дон бериб боқдик. Ҳозир тустовуқ боласи катталашиб, бемалол учадиган бўлиб қолди. Кейинчалик уларни ўша ини бор жойга қўйиб юбормоқчимиз. Тустовуқни онаси ўз боласини topармикин? Бизни шу ташвишлантирмоқда.

**У. КАРИМОВ,**
**Зангиота туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси.**

*Ҳар тўғрида*

## ЎРГИМЧАКЛАРНИНГ ЯНА БИР СИРИ

● АЙРИМ ўргимчак турларининг ҳаракати ҳамон энтомолог-ҳашаротшунос олимлар учун жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Ўргимчак тўри қанчалик билинмаса, унга шунчалик кўп ҳашарот, яъни емиш илиниши мумкиндек туюлади. Бироқ тадқиқотчилар тўрлар айрим жойларининг қалинроқ тўқилишига эътибор бердилар. Бундай қилиш ўргимчакка нима учун керак бўлиб қолдийкин? Карнелли дорилфунуни (АҚШ) олимларининг фикрича, ўргимчаклар қушлар тўрни дарҳол сезишлари ва уни четлаб ўтишлари, бу билан тўр зарар кўрмаслиги учун шундай қилар экан. Тўрдаги қалинлашган жойларни уни четлаб ўтишга интиладиган ҳашаротлар ҳам сезади. Бу, аввало ўргимчакларнинг энг ёқимли овқати — капалакларга ҳам тегишлидир. Капалаклар шундай тўрлар олдида йўналишини кескин ўзгартиришини олимлар кўп кузатишган. Ўргимчакларга машаққат билан тўқилган тўрлардан маҳрум бўлгунча бир неча капалакларни йўқотиш афзалроқ бўлса керак. «Нэшнл уайлдлайф» журнали шу ҳақда ёзади.

## ҲАЙВОНЛАР ШОҲИ КИМ?

● БЕГЕМОТЛАР бир қарашда лоқайд, беғам, тепса тебранмайдиган ҳайвонга ўхшайди. Уни ҳайвонот боғида кўрган ҳар бир кишида шундай фикр туғилиши мумкин.

Аммо, табиий шароитларда у умуман бошқача бўлади, чунки, яшаш учун тинмай курашишга тўғри келади. Бегемотлар бу йўлда жуда довюрак бўлади. Ҳатто, ҳайвонот оламининг шоҳи деб ҳисобланувчи шер ҳам унга ташланишдан ўзини тияди, чунки, сувга тортиб кетишидан ҳайиқади. Польшада нашр этиладиган «Свят илодкс» газетасининг гувоҳлик беришича, яқинда бегемотга дарёга яшириниб ўлжа пойлаб ётган акула ҳужум қилган. Акуланинг узунлиги бир ярим метр бўлишига қарамай, бегемот уни бир зумда қирғоққа чиқариб олган ва денгиз ваҳшийсини мажақлаб ташлаган.

## АХЛАТ — ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

● МАЪЛУМ бўлишича, ахлат уюмларидан электр энергияси ҳосил қилиш учун фойдаланиш мумкин экан. Ҳа бунинг ҳайрон қоларли томони йўқ. Уни амалда исбот қилишди.

АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Ланкастер округида шунга эришдилар. Ахлатни ёқиш ва бир йўла 15 мингта уй учун электр энергияси етказиб беришга мўлжалланган печга ёқиш учун ёқилғи тўла олинмайдиган бўлгач илгари тўпланган ва кўмиб ташланган ахлат уюмларини ёқиш билан ёқилғи камоматини тўлдиришга қарор қилдилар.

Экскаватор ёрдамида қазиб олинган ахлат тупроқни ажратиб ташлайдиган центрафуга орқали ўтади ва печга узатилади. Шундай қилиб, қазиб олинаётган ахлатнинг 60 фоизидан фойдаланиш мумкин. Ахлатни ёқиб электр энергиясини ҳосил қилиш ҳар ҳафтада округга салкам 4 минг доллар фойда келтирмоқда. Энг муҳими, кўмиб ташланган ахлатхоналар ҳажми 70 фоиз камайди, деб ёзади «Труд» газетасида берилган хабарда.

## ХИТОЙ ДЕВОРИДАН ҲАМ УЗУН

● ХИТОЙ девори ўтмишнинг ажойиб иншоотларидан бири ҳисобланади. У ноёблиги билан инсониятни неча асрдан бери лол қолдириб келмоқда. Кўчманчилардан мамлакатни муҳофаза қилиш мақсадида барпо этилган бу девор, айниқса, ўзининг узунлиги билан машҳурдир. Айрим маълумотларга кўра унинг бу ўлчами тахминан беш минг километрга боради.

Эндиликда маълум бўлишича, курраи заминимизда бундан ҳам узунроқ иншоот бор экан. Бу Австралияда барпо этилган симли девордир. Ёввойи динго итларининг ҳуружидан чорвани ҳимоя қилиш мақсадида яратилган бу иншоотнинг узунлиги салкам 6 минг километрга боради. Мамлакатнинг учта штатидан ўтувчи бу симли деворни ўтган асрда, аниқроғи, 1880 йиллардан бери қуришади. Шуниси қизиқки, бу иншоот коинотдан ҳам яққол кўриниб туради, деб ёзади «Интернэшнл уайлдлайф» журнали.



Африка жанубидаги филларнинг қирилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

**Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашди.**



